

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11583063>

Зойирова Ҳафиза

Имом Бухорий номидаги Тошкент

ислом институти ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада “Назми мухтасар ал-виқоя” асарига асос бўлган “Мухтасар ал-Виқоя” китоби, унинг муаллифи ҳақида сўз боради ҳамда асарнинг яратилиш тарихи билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Бошқа асарлардан нимаси билан фарқланиши қисқача баён қилинади.

Калит сўзлар: Назм, фикҳ, ислом ҳуқуқшунослиги, мухтасар, Ал-Ҳидоя, Мухтасар ал-виқоя, тожуш-шариъа, содруш-шариъа, содруш-шариъа соний, Ниқоя.

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2018 йил 16 апрель, ПФ-5416-сон

Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ нодир қўлёзма ва манбаларни ўрганиш, уларни нашр этиш давлат аҳамиятига молик ишлар даражасига кўтарилди. Натижада қўлёзмалар фонди ва турли илмий тадқиқот даргоҳларининг хазиналарида сақланаётган маънавий меросимизга оид манбаларни назарий тадқиқ этиш ва оммага етказиш ишлари кенг йўлга қўйилди. XIX аср ўзбек адабиётининг нодир намуналаридан бири бўлмиш “Назми мухтасар ал-виқоя” асари мана шулар жумласидандир. Раҳимхўжа Эшон Шоший қаламига мансуб бу китоб “Мухтасар ал-виқоя” номли араб тилидаги асар асосида дунёга келган бўлиб, шариат масалаларини назмий йўл билан ифодалаб беришга бағишланган.

Шу масалада ўринли савол туғилади, мазкур назмий асарга асос бўлган “Мухтасар ал-Виқоя” қандай манба?

“Мухтасар ал-Виқоя” ҳанафий мазҳабидаги, фикҳга (ислом ҳуқуқшунослиги) оид бўлган тўртта буюк асарлардан бири бўлиб, “ан-Ниқоя”, “ан-Нуқоя”, “Ниқоят ар-ривоя”, “Ниқоят ал-Виқоя” номлари билан ҳам аталади. Ушбу асарнинг муаллифи ватандошимиз, таниқли аллома, фақиҳ Садруш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф. 747/1347) раҳимаҳуллоҳ ҳисобланади.

Бухоролик бир қанча атоқли фақиҳлар (ҳуқуқшунос олимлар) орасида, Содруш-шариъалар оиласи ўзига хос мавқега эга бўлиб, ислом ҳуқуқшунослигида мумтоз ўрин тутган ҳанафий мазҳабининг йирик намояндалари сифатида танилганлар. Улар ислом қонунчилигининг шоҳ асари бўлмиш Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя» китобига катта эътибор қаратдилар. Бу оиланинг бошида турган, XIII асрда яшаб ижод этган Содруш-шариъа Аҳмад ибн Жамолиддин Убайдуллоҳ ал-Маҳбубий ал-Бухорий ўз даврининг машҳур ҳуқуқшунос олими бўлган. Унинг ўғли

Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий (ваф.630/1232) ҳам отаси сингари етук аллома, фақиҳ бўлиб етишди, ўша вақтда “Тоҷуш-шариъа” (Шариат тожи) кунясини олишга муваффақ бўлди, ҳанафийлар фикҳи соҳасида ўзидан унутилмас илмий асарлар қолдирди. Кейинчалик Убайдуллоҳ ибн Масъуд ҳам бобоси имом Тоҷуш-шариъа Маҳмуд ибн Содруш-шариъанинг тарбияси натижасида машҳур аллома бўлиб етишди ва “Садр уш-шариъа ас-Соний” (иккинчи ёки кичик Садр уш-шариъа) номини олди. Маҳмуд ибн Аҳмад невараси Убайдуллоҳнинг зеҳнига фикҳий масалаларни сингдириш мақсадида «Ал-Ҳидоя»нинг энг асосий масалаларини қисқартириб олиб, ҳаммасини бир китобда ижодий шаклда жамлаб, «Виқоят ур-ривоя фи масоили-л-Ҳидоя» («Ҳидоя масалаларида ривоятларни сақлаш») китобини ёзади. Асар «Ал-Ҳидоя» китобининг энг яхши ва мўъжаз қисқартмаси сифатида катта эътибор қозонди, уни изоҳлаш учун ҳошиялар ёзилди. Кейинчалик Убайдуллоҳ ибн Масъуд баъзи ўқувчиларнинг «Виқоят ур-ривоя» китобини ўзлаштиришга қурби етмаётганлигини сезиб, ундаги энг зарурий масалаларни танлаб, унга “Ниқоя Мухтасари Виқоя” (Мухтасарнинг қисқартирилган баёни) номини беради. Асарнинг муқаддимасида муаллиф шундай деб ёзади: «Бобом Маҳмуд ибн Аҳмад Содруш-шариъа фикҳ илмини яхши ўрганишим учун «Виқоят ур-ривоя фи масоили-л-Ҳидоя» китобини тузди. Бу китобдек сўзлари мўъжаз, мазмуни аниқ ва мукамал иккинчи бир китобни замон аҳли кўрган эмас. Мен баъзи бир толиблар ҳиммати бу китобни ўрганиб ўзлаштиришга қодир эмаслигини сезиб, зарурий масалаларни танлаб олиб, ушбу «Мухтасар» («Қисқартирилган китоб»)ни туздим. Кимки “ал-Ҳидоя” масалалари ўзида ҳозир бўлишини яхши кўрса, унга “ал-Виқоя”ни ёд олиш лозим бўлади. Кимники вақт шошилтирса, диққат-эътибор тизгинини ушбу мухтасарни ёдлашга бурсин!”. Шундай қилиб, “ал-Виқоя” қисқалиги билан “ал-Ҳидоя”нинг маъзи, “ан-Ниқоя” эса “ал-Виқоя”нинг маъзи ҳисобланади. Мулла Али ал-Қори (ваф. 1014/1605) раҳимахуллоҳ “Мухтасар ал-Виқоя” тўғрисида бундай деганлар: “Ниқоя” китоби “ал-Ҳидоя” асарининг қисқартмаси бўлган “ал-Виқоя”нинг мухтасаридир. У илму маърифат бобида бошланғич даражадагиларнинг ҳам, энг юксак даражага етишганларнинг ҳам наздида мақбулдир. У ҳанафий улўғларининг мазҳабидаги фикҳий матнларнинг энг мўъжазларидан бири ҳисобланади. Бу улўғ зотлар эса ҳанифий миллатнинг (яъни, ислом динининг) раҳнамоларидирлар!”.

“Мухтасар ал-виқоя” асари кўп асрлардан буён ислом ҳуқуқини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда, ҳамда ҳанафий мазҳабида

ҳуқуқшунослик йўналишидаги асосий манба “ал-Ҳидоя” асари таълимотларини талқин этишда ва бу йўналишнинг ривожланиш йўлида улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, “Мухтасар ал-виқоя” китоби ҳажм жиҳатидан “ал-Ҳидоя” китобининг ўн бирдан бир қисмига тўғри келади. Ҳажми қисқалигига қарамай, уни диққат билан ўқиб, ўрганган малакали киши ислом ҳуқуқларини тўлиқ ўзлаштириб олади. Шунинг учун ҳам бу асарга араб, форс, турк тилларида кўплаб шарҳлар, ҳошиялар ёзилган, узоқ йиллар давомида исломий дорулфунунларда дарслик сифатида ўқитилган.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, “Мухтасари ал-виқоя асари Абу Ҳанифа мазҳаби асосида юзага келган Мовароуннаҳр ислом ҳуқуқшунослигининг ривожига катта ҳисса қўшди ва Бухоро заминининг азиз фарзанди, етук аллома Содр аш-шариъа иккинчи Убайдуллоҳ ибн Масъуд номининг инсонлар қалбида ўчмас из қолдиришига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Убайдуллоҳ ибн Масъуд, Мухтасар ал-Виқоя, Тошкент: Hilol-nashr, 2016, 5-бет.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Кифоя, 1-жилд, Тошкент: Hilol-nashr, 2020, 65-бет.
3. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий, Мухтасар ал-Виқоя фий масоил ал-Ҳидоя, Қозон, 1911, 3-бет.
4. Али ал-Қори, Шарҳ Мухтасар ал-Виқоя, 1-жилд, Қозон, 1904. 4-бет.
5. <https://ahlisunna.uz>
6. <https://almeros.uz>
7. <https://search.mandumah.com/Record/561790>
8. <https://www.wdl.org/ar/item/2988/>